



ТУРИСТИК-МЕҲМОНХОНА СУБЪЕКТЛАРИДА ДАРОМАДЛАР АУДИТИ

доц. Худайбердиев Неъмат

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0004-7610-9755

xudayberdiyev.n.u@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада туристик-меҳмонхона субъектларида олинган даромадлар реестрини барча фаолият ҳамда хизмат турлари бўйича яхлит шакл ва мазмунда тузиб бўлмаслиги асосланган. Чунки, ҳар бир фаолият ёки хизмат туридан олинган даромадларнинг турли усулларда тан олинishi, уларнинг мазмунан ҳар хил бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланиши, айрим хизмат турларини, чунончи туристик хизматларни, хорижий валюталарда амалга оширилиши ҳамда бошқа хил маълумотларни тизимлаш зарурати бунга имкон бермаслигига алоҳида эътибор қаратилиб, асосланган.

Калит сўзлар: туристик-меҳмонхона, ҳисобот даври, фаолият турлари, молиявий фаолият.

АУДИТ ДОХОДОВ В ТУРИСТИЧЕСКИХ-ГОСТИНИЧНЫХ СУБЪЕКТАХ

доц. Худайбердиев Неъмат

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье обосновывается невозможность составления единого по форме и содержанию регистра доходов субъектов туристической и гостиничной деятельности для всех видов деятельности и услуг. Это обусловлено разным порядком учета доходов, полученных от каждого вида деятельности или услуги, их подтверждением документами разного содержания, оказанием отдельных видов услуг, например, туристических, в иностранной валюте, а также необходимостью систематизации иной информации.

Ключевые слова: туристско-гостиничный комплекс, отчетный период, виды деятельности, финансовая деятельность.

REVENUE AUDIT IN TOURIST AND HOTEL ENTITIES

assoc. prof. **Khudayberdiev Nemat**

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article explains the impossibility of compiling a uniform income register for tourism and hotel operators across all activities and services. This is due to the different procedures for recording income received from each activity or service, the need to support it with documents of varying content, the provision of certain services, such as tourism services, in foreign currency, and the need to systematize other information.

Keywords: tourist and hotel complex, reporting period, types of activities, financial activities.

Кириш.

Мамлакатимизда туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий ҳамда долзарб масалаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Туризм хизматлари фаолият турларининг хилма-хиллиги, мос равишда олинадиган даромадларнинг турли-туманлиги, бу даромадларни солиққа тортишдаги хусусиятлар туристик-меҳмонхона субъектларида даромадларни маълум кетма-кетликларда ривожланиб бораётганлиги ҳеч биримизнга сир эмас. Тобора ривожланиб бораётган туризм хизматлари бугунги кунда иқтисодий туризмнинг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий адабиётларда муаллифлар республикаимизда мустақиллик йилларида вужудга келган бундай хўжалик юритувчи субъектларни бизнес бирликлари ҳамда мос равишда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бирликлари сифатида турли белгилари бўйича таснифлаган ва тавсифлаганлар.

Абдуллаев ва Исмоиловлар (2001) хўжалик юритувчи субъектларни таснифлашда 2 та мезон, яъни (1) корхонанинг тармоқ ёки соҳага қарашлиги; (2) корхонада ишловчи (банд)лар сони олиними лозимлиги эътироф этганлар. Улар, чунончи, корхоналарни тармоқ ёки соҳага қарашлигига кўра қуйидаги 5 та гуруҳга ажратганлар: 1. Саноат, қурилиш, транспорт; 2. Қишлоқ хўжалиги; 3. Улгуржи ва чакана савдо; 4. Хизмат кўрсатиш ва «сервис»; 5. Фан ва илмий хизмат.

Мусаев (2003) корхона ва ташкилотларни назорат субъекти сифатида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ажратган: хусусий корхоналар; давлат корхоналари; ширкатлар; ижара корхоналари; қўшма корхоналар; акционерлик жамиятлари; масъулияти чекланган жамиятлар; деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқалар.

Тошматов (2008) ўзининг «Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли» монографиясида корхоналарни бизнес, тадбиркорлик бирлиги сифатидаги таснифий асосларини бошқа олимлардан фарқли ўлароқ кенгроқ очиқ берган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, статистик маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Фаолият турларининг хилма-хиллиги, мос равишда олинадиган даромадларнинг турли-туманлиги, бу даромадларни солиққа тортишдаги хусусиятлар туристик-меҳмонхона субъектларида даромадларни маълум кетма-кетликларда аудиторлик кўригидан ўтказиш талабини қўяди.

Аудит кўригида, даставвал, туристик-меҳмонхона мажмуасининг ҳисобот даврида олган жами даромади топилиши лозим. Бу даромад, одатда, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг 010- «Сотишдан олинган соф тушум», 090- «Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари» ҳамда 110- «Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами» сатрлари суммалари йиғиндисидан иборат бўлади. Шундан сўнг, жами даромаднинг асосий ва асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича тавсифига доир

маълумотлар йиғилиши керак. Бунинг учун қуйидаги саволларга кетма-кетликда жавоблар топилиши лозим:

- ҳисобот даврида асосий ва асосий бўлмаган қандай фаолият турлари юритилган ҳамда улар ҳисоби учун бош китобда қанақа счётлар очилган?

- ҳар бир асосий ва асосий бўлмаган фаолият туридан олинган даромад суммаси қанча?

- асосий ва асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича очилган счётларда кўрсатилган даромадлар суммаларининг йиғиндиси «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»нинг мос равишдаги сатрларида кўрсатилган суммаларга тенг келадими?

- алоҳида фаолият турларидан олинган даромадларнинг олинган жами даромаддаги ҳисса қанча фоизни ташкил қилади?

Ушбу саволлар бўйича исботу-далилларни йиғиш аудиторлардан турли ишчи ҳужжатларни (таҳлилий жадвалларни) тузишни талаб қилади. Бундай ишчи ҳужжатларнинг энг муҳимлари бўлиб, чунончи, қуйидагилар ҳисобланади: (1) ҳар бир фаолият туридан олинган даромадлар реестри; (2) фаолият турларидан олинган даромадларнинг йиғма реестри.

Таъкидлаш жоизки, туристик-меҳмонхона субъектларида олинган даромадлар реестрини барча фаолият (хизмат) турлари бўйича яхлит шакл ва мазмунда тузиб бўлмайди. Чунки, ҳар бир фаолият (хизмат) туридан олинган даромадларни турли усулларда тан олиниши, уларнинг мазмунан ҳар хил бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланиши, айрим хизмат турларини, чунончи туристик хизматларни, хорижий валюталарда амалга оширилиши ҳамда бошқа хил маълумотларни тизимлаш зарурати бунга имкон бермайди. Аксинча, ушбу хусусиятлар туристик-меҳмонхона субъектларида фаолият (хизмат) турларидан олинган даромадлар реестрини турли шакл ва мазмунда тузишни тақозо этади. Фикримизча, ушбу реестрларни ташқи ва ички аудиторлар томонидан тавсия этилаётган шакл ва мазмунда тузилиши туристик ва меҳмонхона хизматларидан олинган даромадлар тўғрисидаги исботу-далилларни тизимли равишда тўпланишига имкон беради.

Туристик-меҳмонхона мажмуаларида барча бошқа фаолият турларидан (савдо, умумий овқатлантириш, бошқа турдаги хизматлар, инвестиция ва молиявий фаолиятдан) олинган даромадлари бўйича реестрлар ҳам уларнинг мазмунини ўзида ифода этадиган шакл ва мазмунда тузилиши лозим. Мисол учун, асосий воситаларнинг сотилишидан олинган даромадлар реестрларида ушбу бойликларнинг номлари, бошланғич қиймати, эскириши, қолдиқ қиймати, сотиш қиймати, қайта баҳоланган қиймати эвазига юзага келган резерв капитали суммаси, жами олинган даромад суммаси ҳар бир чиқим қилинган асосий восита бўйича кўрсатилиши, шунингдек барча чиқим қилинган асосий воситалар бўйича жамланиши мақсадга мувофиқ. Молиявий фаолиятга оид курс фарқларидан олинган даромадлар реестрида ижобий курс фарқлари суммаси ҳар бир контракт бўйича кўрсатилиши ҳамда жами контрактлар бўйича жамланиши лозим.

Туристик-меҳмонхона мажмуаларининг барча фаолият турларидан олинган даромадлари тўғрисида исботу-далилларни мужассамлаштирувчи реестрлар тузилгач, уларда ҳисобот даврлари (ой ва йил) бўйича жамланган маълумотлар бош китобда алоҳида фаолият (хизмат) туридан олинган даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган счётларнинг маълумотлари билан ўзаро солиштирилади. Бундай солиштириш бош китобда алоҳида фаолият турларидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тўғри ёки нотўғри кўрсатилганлигини (кам ёки кўп), шунингдек бунинг нималар эвазига юз берганлиги аниқлаш имконини беради.

Алоҳида фаолият турларидан олинган даромадлар реестрлари аудиторларга иккинчи иш ҳужжатини, яъни «Фаолият турларидан олинган даромадларнинг йиғма реестри»ни тузишга асос бўлади. Ушбу реестрнинг ҳам махсус тасдиқланган шакли

мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, туристик-меҳмонхона субъектлари бўйича аудиторлар томонидан тузиладиган бу ишчи ҳужжатда жами даромад, ҳар бир фаолият туридан олинган даромаднинг суммаси ва унинг жами даромаддаги ҳиссаси корхона маълумотлари ҳамда текшириш маълумотлари асосида кўрсатилиши, шунингдек, мос равишда, бу кўрсаткичлардаги четланишлар акс эттирилиши лозим. Айнан шундай талаблардан келиб чиқиб, «Зарина» туристик-меҳмонхона комплекси мисолида 2024 йил учун кўрсатилган алоҳида фаолият турларидан олинган даромадларнинг биз томонимиздан тузилган йиғма реестри намуна сифатида 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

«Зарина» туристик меҳмонхона комплексида 2024 йилда алоҳида фаолият (хизмат)лардан олинган соф тушумнинг йиғма реестри

№	Даромад тури	Корхона маълумоти бўйича		Аудит текшируви бўйича		Четланиш	
		ҳажми, минг сўм	ҳиссаси, %	ҳажми, минг сўм	ҳиссаси, %	ҳажми, минг сўм	ҳиссаси, %
1	Туристтик хизматлардан даромад	1425320	60,5	1334435	56,6	+90885	+3,9
2	Меҳмонхона хизматларидан даромад	625360	26,5	699860	29,8	-74500	-3,3
3	Чакана савдодан даромад	25312	1,1	29312	1,2	-4000	-0,1
4	Умумий оқатлантириш фаолиятдан даромад	198350	8,4	208530	8,8	-10180	-0,4
5	Бошқа даромадлар	82458	3,5	85645	3,6	-3187	-0,1
	Жами	2356800	100,0	2357782	100,0	-982	X

«Фаолият турларидан олинган даромадларнинг йиғма реестри»да алоҳида фаолият турларидан олинган даромаднинг жами даромаддаги ҳиссасини кўрсатилиши ягона солиқ тўловини (ЯСТ) тўловчилари ҳисобланган туристик-меҳмонхона субъектларида алоҳида аҳамият касб этади. Республикаимизнинг Солиқ кодексига мувофиқ бундай субъектларда алоҳида фаолият (хизмат) турларидан олинган даромадлар турли ставкадаги ЯСТга тортилади. Шунингдек, уларда асосий бўлмаган даромадлар (чунончи, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, инвестиция ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлар) асосий фаолият тури, яъни жами даромадда ҳиссаси энг катта бўлган фаолият тури бўйича белгиланган ставкаларда ЯСТга тортилади. ЯСТ режимида ишлаётган бу корхонанинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлари ва молиявий фаолиятга доир даромадлари жами даромадларда энг катта ҳиссага эга бўлган, мос равишда асосий фаолият тури ҳисобланган туристик хизматлар бўйича белгиланган ставкада (яъни 8 % миқдоридан) ягона солиқ тўловига тортилган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида туристик-меҳмонхона субъектларида даромадларнинг ташқи ва ички мақсадлардаги бошқарув аудитини юқорида изоҳи берилган тартиб-қоидаларга асосланиб ўтказиш, бунда ишчи ҳужжатларни аудиторлар томонидан биз тавсия этган шакл ва мазмунда юритиш барча фаолият турларидан олинган даромадлар ҳамда солиқ тўловлари бўйича реал ахборотларни шакллантиришга, шунингдек ушбу муҳим кўрсаткичлар бўйича ташқи ва ички бошқарув аудиторларининг хатога йўл қўйиш эҳтимолини камайтиришга имкон беради.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Абдукаримов Б. ва бошқалар. (2013) Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”.

Абдукаримов Б.А. (2010) Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашири.

Абдуллаев О. Исмоилов Р. (2001) Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Наманган. – 13-14-б.

Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. (2007) Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.

Мусаев Х.Н. (2003) Аудит. Дарслик. – Т.: “Молия”. – 9-б.

Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. (2007) Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”.

Тошматов Ш.А. (2008) Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: «Fan va texnologiya», – 16-б.